

ФАРФОНАДА УЙ-ЖОЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШГА МУХТОЖ 184 НАФАР ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ИМТИЁЗЛИ УЙ-ЖОЙЛАР ОЛИШ УЧУН СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бугун Фарфона шаҳридаги “Файз” тантаналар мажмуасида уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ипотека кредити бўйича уй-жойларнинг ҳисобланган қийматининг 15 фоизи миқдорида бошланғич бадал тўлаб бериш учун сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Янги йил байрами олдидан ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят ҳокимининг ўринbosари - маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Холиқов, шаҳар-туманлар ҳокимларини масъул ходимлари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Вилоят ҳокимининг ўринbosари Баҳодир Холиқов йиғилганларни вилоят ҳокимлиги номидан янги йил байрами билан табриклаб, Президентимиз ташабbusи билан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилганлигини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласида тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорлари доирасида уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Фарфона вилояти маҳаллий бюджетига 15 миллиард сўм маблағ ажратилганлиги ҳақида маълумот берилди.

Хозирда сертификатлар топширилган 2-3 хонали хонадон эгалари уй-жойларининг бошланғич тўловлари тўлаб берилгани маълум қилинди.

Шундан сўнг вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган 184 нафар хотин-қизларга “Янги йилда янги уйлар билан” шиори остида субсидия асосида имтиёзли уй-жойлар олиш учун сертификатлари тантанали тарзда топширилди.

Тадбирда иштирок этган кўплаб хотин-қизларнинг севинчдан кўзлари ёшланди. Кимлардир ўзи ва фарзандлари билан бир ҳовлида бир нечта оила билан йиллар давомида қийналиб яшаб келганлигини айтса, яна бир гурӯҳ аёллар ижара уйларда кўп муаммоларга дуч келганликларини сўзлаб бундай эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорчиликларини билдирилдилар.

Вилоятимизда фаолият олиб бораётган санъаткорлар, рақс жамоалари иштирокидаги концерт дастури эса юқори кайфиятга ҳамоҳанглик касб этиб ўйин-кулгу ва рақсларга уланиб кетди.